



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 22 - aprel

2501 -son

Bog'ot shaharchasi

“KHOREZM FRUITS” masъулияти чекланган жамиятига Боғот туманидаги “Боғзор” маҳалласи “Маҳалла фуқаролар йиғини” биноси қурилиши эвазига инвестор учун Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласи ва “Олтинқум” шаҳарчалари ҳудудларидан “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари” қуриш учун ер майдонлари ажратиб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Боғзор” маҳалласи “Маҳалла фуқаролар йиғини” биноси қурилиши инвестори “KHOREZM FRUITS” МЧЖ раҳбари А.Матякубовнинг ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йилдаги сўровномасини кўриб чиқиб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2020 йилдаги йиғилиш баёнини ҳамда туман ҳокимлиги ва “KHOREZM FRUITS” МЧЖ ўртасида тузилган 2020 йил августдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича” тузилган БИТИМи кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-22-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги 6,25-моддаларига асосланиб,

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Боғот тумани “Боғзор” маҳалласи “Маҳалла фуқаролар йиғини” биноси қурилиши инвестори “KHOREZM FRUITS” МЧЖга Боғот шаҳарчаси “Оқтепа”

маҳалласи ҳудудидан туман захира ер майдонидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 700 квадрат метр ва Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудидан 500 квадрат бўлган умумий ер майдони 1200 квадрат метр ер майдони “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари” қуриш учун ажратиб берилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

“Маҳалла фуқаролар йиғини” биносини қуриш эвазига Боғот тумани “Оқтепа” маҳаллалари ва “Олтинқум” шаҳарчалари ҳудудларидан ажратиб берилган 1200 квадрат метр ер майдонини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

4. Ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибоев)га, ер участкасида объект қурилишини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари (А.Курьязов)га, белгиланган тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га топширилсин.

5. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибоев), “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Ш.Матяқубов) ва “Олтинқум” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси (Б.Авезов)га доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонларини жойнинг ўзида (натура)да, далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.


6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 2 (икки) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

7. “KHOREZM FRUITS” МЧЖ раҳбари А.Матяқубовга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Э.Рўзметов ва туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязовлар зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев